ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ШАНИЯЗОВ УСЕРБАЙ БУХАРБАЕВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ЧЎЛ ЭКОТИЗИМИ ФОНГА ОИД КЕМИРУВЧИ ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус -2020

УДК 573.34 (575.172)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шаниязов Усербай Бухарбаевич
Жанубий Оролбўйи чўл экотизими фонга оид кемирувчи турларининг биоэкологик хусусиятлари.....3

Шаниязов Усербай Бухарбаевич
Экологические особенности фоновых видов грызунов пустынных экосистем Южного Приаралья 20

Shaniyazov Userbay Bukharbaevich
Bioecological features of base-line types of rodents of the deserted ecosystems of Southern Aral sea area 36

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....40

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.29.12.2018.B79.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ШАНИЯЗОВ УСЕРБАЙ БУХАРБАЕВИЧ

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ЧЎЛ ЭКОТИЗИМИ ФОНГА ОИД КЕМИРУВЧИ ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус -2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида№B2019.2.PhD/B247 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Аметов Якуб Идрисович**
биология фанлари доктори, доцент

Атаназаров Куралбай Мауленович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ургенч Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.02/30.12.2019.B.79.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил “ __“ ___ соат ____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали.Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.
Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган).
Диссертация автореферати 2020 йил “___“ _____ да тарқатилди.
(2020 йил “___“ даги ____ рақамли баённомаси)

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
Академик, и.ф.д., профессор

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф. PhD

Тлеумуратова Бибигуль Сарибаевна
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ҳар бир минтақанинг доимий антропоген таъсири остида экологик ҳолатнинг курсаткичлари ва экосистемаларнинг доимий ҳаракати дуне миққиёсида долзарб масала касб этмоқда. Шунингдек, экотизимларнинг айрим таркибий қисимларининг даврий юзага келадиган салбий ташқи таъсирларга барқарорлик даражасини аниқлаш ва биотик комплексларининг табиий ва антропоген ўзгариш ҳолатини башорат қилишда майда сут эмизувчилар популяциясини биоиндикатор сифатида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, эволюцион жараёнларнинг экологик механизмларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар биологик ресурсларни бошқариш ва рационал фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий ахамият касб этади.

Жаҳонда чўл экотизими шароитида яшовчи кемирувчилар популяцион экологияси, кемирувчилар учун атроф-мухит шароитлари ҳар-хил бўлган ҳудудларда вабо табиий ўчоқларининг фаоллигидаги кескин ўзгаришларининг салбий эпидемиологик оқибатларини камайтириш, экологик ва эпидемиологик прогнозларни ишлаб чиқиш, популяцияларнинг тез ўзгарувчанг ташқи муҳит шароитларига мослашуви бўйича тадқикотлар олиб борилмоқда. Бу борада кемирувчилар популяциясининг популяцион тузилиши ва фунциясини, турлар сонининг турли минтақаларининг чўлланиш ва қурғоқчилик шароитлариги мослашиши, тез ўзгарувчан экологик шароитларга ҳайвонлар популяцион адаптациясини аниқлаш, тирик табиатни бошқариш йўлларига доир чора тадбирлар ва эволюцион жараёнларнинг экологик механизмларини ишлаб чиқишни таъқазо этади.

Ўзбекистон Республикасида турли географик ландшафтларда кемирувчилар фон турларининг экологик ва морфологик хусусиятларини аниклаш буйича изланишлар олиб борилиб муаян натийжаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1] “илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг эффектив механизмларини яратиш" бўйича вазифалар белгилаб берилган. Юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб, чўл экотизимлари кемирувчилари фон турларининг популяцион структураларининг турғунлигини сақлайдиган ва шаклланишини таъминлайдиган майдон сегрегацияси ва функционал интеграцияси механизмларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

дастури тўғрисида”ги ҳамда шу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўл экотизими кемирувчи популяциялари экологиясини ўрганиш йўналишидаги илмий тадқиқотлар, дунёнинг турли илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида жумладан, University of Hawaii (США), Institute for Biological Research (Сербия), А.Н. Северцов номидаги эволюция ва экология муаммолари институти (Россия), ўсимликлар ва ҳайвонлар экологияси институти (Россия) ва бошқаларда амалга оширилган.[2] Кўпчилик мутахассислар тамонидан такидланганидек, кемирувчилар табиий комплекслар трофик занжирида муҳим бўғин саналиб, ахамиятга молик биогеоценотик рол ўйнайди, яъни бирламчи озуқа манбаи шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади ва иккиламчи озуқа манбаи яралишига асос бўлади – юқори даражадаги консументлар трофик асоси учун: гўштхўр ҳайвонлар ва йиртқич қушлар (Гашев, 2000; Жигальский, 2012; Оленев и др., 2016 и др.). Шу билан бир қаторда кемирувчилар кўплаб инфекция ва инвазиялар, паразитар тизимлар табиий ўчоқлари шаклланишида катта рол ўйнайди.

1990 йилларда Г.А. Асенов, Р.Р. Реймов, К.К. Каипбеков, А.С. Сабилаев, У.Н. Каниязов, С.М. Мамбетуллаева, С.К. Сейтназаров, О.В. Митропольский, Е.А. Быкова ва бошқа муаллифларнинг республикамизда олиб борган илмий тадқиқотлари давомида кемирувчилар биологияси, систематикаси, физиологияси ва бўйича бир қатор тадқикотлар олиб борилди. Аммо қаралаётган мавзу бўйича жуда катта тадқиқотлар хажмига қарамасдан илм-фан ушбу йўналиш ривожланишини ва яна кўплаб тадқиқотларни талаб этади. Умуман Орол денгизи экотизимлари экстремал шароитларини ҳисобга олган холда экотизим ривожланишининг кейинги фазалари динамикасида популяцион циклларни ўрганиш, шунингдек биоиндикатор сифатида кемирувчилар популяцион динамикасидаги циклларни аниқлаш катта аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланиши ва долзарблиги юқоридагилар билан тушунтирилади.

Диссертация мавзусининг бошқа илмий-тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Гидрорежимнинг ўзгарувчанлиги ва иқлимнинг ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотасининг трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) Фа-Ф1-ГОО4

[2]http://www.bayceer.uni-bayreuth.de/toek/en/pub/pub/publication.php

фундаментал лойиҳаси ҳамда «Жанубий Оролбўйи ветландлари биохилма-хиллигининг мониторинги» (2015-2019 йй.) GEF МФСА халқаро лойиҳаси доираларида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Жанубий Оролбўйи чўл экотизимлари кемирувчилари фон турларининг экологик хусусиятларини аниқлаш, уларни биотестлаш ва биоиндекация учун фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худуднинг антропоген трансформация даражаси ва характерини ҳисобга олган ҳолда кемирувчилар фаунаси таксономик таркиби ўзгаришларини тахлил қилиш;

Қизилқумнинг Шимолий-ғарбий қисми ва Устюрт платоси фонга оид кемирувчилари популяцияси ўрганилаётган турларининг ичкипопуляцион тавсифларини тахлил қилиш;

ўрганилаётган кемирувчи турларининг табиий ва антропоген ўзаришлари таъсири остидаги динамика ўзига хослигини аниқлаш;

турли экологик шароитларда фонга оид кемирувчилар турлари популяцияларининг фенотипик хилма-хиллиги ва сон динамикаси конуниятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг обекти: кемирувчилар фон турлари ҳисобланган *Rhombomus opimus* ва *Meriones meridianus* турларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети: кемирувчилар популяцияларининг ўрганилаётган турлар биотопик мансублиги, экологик ва ичкипопуляцион тавсифларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: ишда экологик, популяцион, вариацион тахлил ва омиллар тахлили усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Минтақа учун узоқ муддатли мунтазам кузатувлар ва йирик статистик материаллар асосида Жанубий Оролбўйи чўл экотизимлари фон кемирувчи турларининг популяцияси динамикасининг асосий хусусиятлари аниқланган;

Чўл зонаси кемиручилари фон турларининг уларнинг сонининг табиий динамикаси жараёнида озиқ-овқат шароитларининг ўзгаришларига энг муҳим реакциялари баҳоланган;

кемирувчи фон турларининг чўл экотизимлари техноген омиллар таъсири остида популяцияларининг репродуктив хусусиятларини таъминлаш имкониятлари аниқланган.

мавжуд асинхронланиш жараёнлари кўринишида Жанубий Оролбўйи чўл экотизимларидаги турли хил фазовий тузилмаларига эга булган кемирувчилар фон турларининг сон динамикаси хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат;

Жанубий Оролбўйи чўл экотизими динамикасини прогнозлаштириш ва ҳолатини баҳолаш учун интеграл характеристика сифатида фойдаланиш мумкин бўлган кемирувчилар фон турлари популяцияларининг экологик ўзига хослиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Жанубий Оролбўйи чўл экотизимларида кемирувчиларнинг ҳудудий тақсимланишини биотестлаш учун реляцион маълумотлар базасида кемирувчиларнинг фон турлари динамикаси курсаткичларидан фойдаланиш имкониятлари асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси ветеринар ва тиббиёт муассасаларининг эпизоотологик ва эпидемиологик назорат мақсадларида фойдаланиши мумкин бўлган Устюрт платоси ва Қизилқум шимолий-ғарбий қисмининг кемирувчилар фон турларининг сон динамикасини прогнозлаш алгоритими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда замонавий усуллардан фойдаланиш ва олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда нашр этилиши, илмий жамоатчилик тамонидан тан олинган амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилганлиги билан асосланади. Диссертация тадқиқотининг илмий натижалари давлат органлари тамонидан амалиётга тадбиқ қилинганлиги, етакчи мутахассислар билан кемирувчилар динамика механизмларининг экологик популяцион тахлилларининг мухокама қилиниши билан тасдиқланади. Маълумотларнинг статистик тахлили, хатоликларни ҳисоблаш, ўртача қиймат, ишончлилик интерваллари, стандарт оғишлар стандарт усуллар ва STATISTICA 6.0 комьпютер дастурлари ёрдамида ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадкиқот натижаларининг илмий аҳамияти, кемирувчиларнинг ҳудудий-вақтинча ва биотопик тақсимланишининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотлар санитар-эпидемиологик ва ветеринар хизматлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, олинган маълумотлар табиий ва чўл экотизимларининг сукцессион жараёнларини бошкариш дастурларини тузишда Жанубий Оролбўйи баркарор ривожланиши ва чўл экотизимларининг антропоген ва техноген омиллар таъсири остида динамикасини прогноз қилишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи чўл экотизимларидаги фон кемирувчи турларининг экологик хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

Чўл экотизимлари ҳолати кўрсаткичи сифатида кемирувчи фон турларининг худудий-вақтинчалик тарқалишининг ҳозирги ҳолати бўйича олинган маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси тамонидан Жанубий Оролбўйи шароитида майда сутэмизувчилар фаунаси биохилма-хиллигини сақлаш ва экологик мониторинг қилиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитасининг 2019 йил 28 августдаги 536 сон маълумотномаси). Натижада кемирувчилар фаунаси экологик ҳолатини ва улар популяцион структураларига чўлланиш ва аридизация жараёнларининг таъсири ҳамда кемирувчилар фонга оид

турлари тарқалиш ареаллари сукцессион жараёнларини баҳолаш имконини берган.

Қизилқум ва Устюрт платосининг шимолий-ғарбий қисмида кемирувчиларнинг фон турлари популяцияларининг динамикаси ва ички популяцион хусусиятларини башорат килиш учун ишлаб чиқилган мезонлар Республика ўлат, карантин ва ўта ҳавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Қорақалпоғистон филиали амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш Вазирлиги Улат, карантин ва ута хавфли юкумли касалликлар мухофазаси марказининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали, 2019 йил 12 сентябрдаги 95- сон маълумотномаси). Натижада минтақанинг турғун ривожланиши доирасидаги ва эпидемиялогик ўчоқлар тарқалиш прогнозларини ўтказиш бўйича Жанубий Оролбўйи чўл экотизимларини бошқариш дастурларини тузиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 4 та республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий хажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида иш мавзусининг зарурати ва долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обект ва предметлари, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг етакчи йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамиятлари берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва нашр этилган илмий ишлар, диссертация таркиби келтирилган.

«Майда сутэмизувчилар сон динамикаси ўрганишининг долзарб муаммолари» деб номланган биринчи бобда кемирувчилар кўплаб турлари вакилларининг тажриба шароитларида ҳамда табиатдаги майдон бўйлаб тарқалишлари ва сон динамикаси экологиясига доир илмий адабиётлар шархи келтирилган. Биоталарнинг тизим ҳосил қилиш ролини кенг англаш ҳолатида ва борлиқнинг шароитларини сақлашда - биохилма-хилликни сақлаш ва қайта тиклаш билан боғлиқ "биодиверсификацион" стратегия акцентацияси ортади. Шундай экан, чўл экотизимидаги фонга оид кемирувчи турларининг популяцион структураси барқарорлигини ва шаклланишини таъминловчи функционал интеграция ва майдон сегрегация механизмлари

тўлиқ ўрганилмаган ва бу вазифани бажаришда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилиши баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Жанубий Оролбўйи чўл экотизимидаги кемирувчилар популяцияларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар хажми, материаллар ва методлар»** номли бобида қўйилган вазифа ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот хажми ва методик йўналишлар келтирилган. Тадқиқот обекти сифатида *Rhombomys opimus* ва *Meriones meridianus* танланган. Улар чўл экотизимидаги фонга оид турлар ҳисобланиб, Жанубий Оролбўйи минтақасидаги хўжалик фаолиятларида ва эпидемиологик нуқтаи назардан катта рол ўйнайди. Тадқиқотлар Қизилқумнинг шимолий-ғарбий қисмида, Устюрт платосида ҳамда Қуйи Амударё дельтасидаги оазисларда 2010-2018 йиллар давомида олиб борилди (1 расм).



1-расм. Жанубий Орол минтақасидаги тадқиқот худудининг схемаси
Изох: - Стационар кузатув жойлари

Тадқиқот маршрутлари давомида барча характерли биотоплар қамраб олинган: қумли чўллар, шўрхоклар, тақирлар, гипсли қумлар, тепалик ва чинклар. Айрим кемирувчилар ҳаёт тарзи ва суткалик цикли, турли мавсумларда ҳамда сутканинг хар-хил вақтларида амалга оширилди. Ўрганилаётган сутэмизувчилар модел турлари динамикасига таъсир кўрсатувчи омилларни эндо ва экзоген турларга ажратиш, замонавий

экологиянинг мос назарий қарашлари асосида амалга оширилди. 14 тадан кўпроқ биотик, 25 та абиотик кўрсаткичлардан фойдаланилди, улар орасида соннинг мавсумий характеристикалари, кўпайиш кўрсаткичлари, ўрганилаётган кемирувчи фон турларининг ёш таркиби, ўртача ой давомидаги об-ҳаво характеристикалари: ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги, ёғингарчилик, қорли кунлар ҳисоби, шамол тезлиги, қор қопламининг баландлиги ва бошқ. Ҳисобланган маълумотларнинг асосий улушини динамик кўрсаткичлар ташкил этди.

“Майда” қумсичқонлар сон ҳисоби тунги-қопқон усули ёрдамида амалга оширилди. Кенг тарқалишга эга қумсичқонлар сонини ҳисоблашда маршрут-колониал усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйи минтақасининг физико-географик тавсифи”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот худудининг физик-географик тавсифи келтирилган. Худуд табиий шароитлари, унинг геоморфологик ва худудий яхлитлиги фауна таркибини белгилаб беради. Яшаш муҳити характерига, турлар ўхшашлиги ва фарқлари, хулқ-атвор ва тарқалиш характери, биотопик муносабатлар ва адаптация, озиқланиш ўзига-хослиги, кўпайиши, популяция тур таркибининг минтақавий дифференциациялари боғлиқ ҳисобланади. Шунингдек ўсимликлар қоплами ва тадқиқот худуди ҳисобланган Устюрт платоси ва Қизилқум чўлларига антропоген трансформация таъсир даражалари тавсифлари келтирилган. Марказий Осиё чўлларининг энг кам ўрганилган худудларидан бири Устюртнинг Қорақалпоғистон қисми ҳисобланади. Устюрт Каспий ва Орол денгизлари ўртасида жойлашган бўлиб, тепаликлардан иборат платони намоён қилиб, денгиз сатхидан 160-300 метр абсолют баландликда жойлашган ҳамда барча тамонидан 190-256 метр баландликдаги чинклар билан ўралган. Табиий экотизимлар экологик кризиси шароитларида Устюрт платоси антропоген ва техноген ўзгаришларга юз тутмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўсимликлар сукцессион жараёнларининг ўсиш суръати эллик йил давомида табиий алмашинув вақтларини оширади. Мутахассислар маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Устюртнинг Қорақалпоғистон қисми флористик таркиби 92 оила 102 туркумга мансуб, 600 тур ўсимликлардан иборат (Тажимуратов, 2003; Сарыбаев, 2015; Аймуратов, 2018). Таъкидлаш керакки, Устюртнинг барча жойларида ўт ўсимликлар (бир йиллик ва кўп йиллик) устунлик қилади. Иқлим омилларининг салбий таъсири туфайли фитоценозлар шаклланиши қонуниятларига ва ўсимлик жамоаларининг йиллик ва мавсумий тур таркибининг ўзгаришлари кузатилмоқда.

Қизилқумнинг Қорақалпоғистон жанубий туманлар худудида жойлашган қисми майдони 1 млн. га. ни ташкил этиб, ўзида монотон қумли чўлларни намоён қилиб, у ерда паст-баланд, сийрак-эгатсимон қумликлар мавжуд, жанубдан Султонувайс тоғ (485 м денгиз сатхидан баландда) паст тоғ тизмалари, қолган уч тамонидан эса оазислар билан ўралган, шимол ва шарқ тамондан эса Ақчадарё аллювиал пасттекислиги билан чегараланади.Бу худуддан Орол денгизига бўлган масофа 100 км яқинни ташкил этади.

Чўл экотизимларига антропоген, техноген ва иқлим омилларини баҳолаш ўрганилаётган худуднинг ўсимликлар қоплами ва тупроғининг деградациясини тўхтатишга доир тадбирларни ва чўлланишга қарши кураш чораларини кўришда ахамият касб этади. Экологик шароитларни яхшилаш, биомахсулдорликни ошириш ва тиклаш, ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш учун Устюрт шароитларида ўсимлик турларининг қимматбаҳо озуқавийлик, қуруқ-тузлиликка чидамлилик, юқори ҳосилдорлик хусусиятлари билан ажралиб турувчи суний агроценозларини яратиш амалиётлари ўтказилмоқда.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Оролбўйи чўл экотизимларидаги кемирувчилар доминант турлари биоэкологик ўзига хосликлари»** *Rhombomys opimus* ва *Meriones meridianus* популяциялари умумий тавсифлари ва ички тут тузилмалари бўйича ўтказилган комплекс баҳолашлар келтирилган. Жанубий Оролбўйининг турли биотопларининг кўпчилик майда сутэмизувчилар популяциялари учун майдон бўйлаб бир хил жойлашмаганлиги хосдир ва бу ўз навбатида ҳайвонлар яшаш муҳитининг гетерогенлиги ҳамда популяция ичидаги индивидларнинг хар-хил биотопик муносабатларга эга эканлиги билан тушунтирилади. *Rhombomys opimus* – жуда кенг тарқалган ва арид биогеоценозларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Унинг сон ўзгаришлари тупроқ таркиби ва структурасида, ўсимликлар қопламида акс этади ҳамда бошқа ҳайвон турлари сонига ҳам таъсир кўрсатади. Тур ареали чўл зоналарининг энг чекка қисмларигача бўлган жойларни қамраб олади, шимолда (Эмба ва Челкар ва Иргиз орасидаги водийлар) *Rhombomys opimus* тарқалиши яримчўл зоналарида ҳам учрайди.

Жанубий Оролбўйида *Rhombomys opimus* популяциялари Шимолий-ғарбий Қизилқум, заунгуз Қораққуми ва Устюрт қумли ва гилли массивларида, ороллар ичидаги қумларда, чинк текисликларида, тепаликларда ҳам учрайди ҳамда Қизилқум биоценозида муҳим рол ўйнайди. Қизилқумнинг ўрганилган худудининг марказий қисми ғовак-тизмали қумлар эгалланиши билан тавсифланади. Бу қумлар чуқур ва кенг ғовакликларга эга ҳамда бу жойларнинг 50-60 % ини диффуз типдаги *Rhombomys opimus* популяциялари эгаллаган.Колония зичлиги 0,5-1,8 ни, сони эса 1 га майдонга нисбатан 8-10 ҳайвонни ташкил этади. *Rhombomys opimus* кўп йиллик тахлиллари шуни кўрсатадики, уларнинг мавжуд даврийликда баъзи асинхронлик ҳолати мавжуд (2 – расм).

Мутахассислар фикрича, *Rhombomys opimus* кўпайишининг бошланиши ҳайвонларнинг популяция ичидаги қайта гуруҳланишларига боғлиқ бўлиб, у қанча кўп акс этса, сон шунча кам бўлади. *Rhombomys opimus* ёш ва жинс таркиби популяцияга эндоген ва экзоген омиллар таъсири муносабатларига қараб белгиланади. Популяциянинг ёш структураси бўйича ўтказилган тахлиллардан маълум бўлишича, эрта баҳорги даврда *Rhombomys opimus* популяцияси ичида 6-8 ойликдан 1 ёшдан катта бўлган ҳайвонлар ташкил этиши маълум бўлди.



2 расм. *Rhombomys opimus* популяцияларининг Жанубий Оролбўйидаги кўп йиллик сон динамикаси(2010-2018 йй.)

Қишлаб чиққан ҳайвонларнинг баҳордаги улуши ўртача 86,0-96,0% ни, май-июнда эса – 46,0-49,0 % ни ташкил этади. 3 – расмда кўрсатилганидек, баҳор ойларида катта ёшли ҳайвонлар кўпчиликни ташкил этади, кейинчалик куз фаслига қараб эса янги туғилган ва ёш ҳайвонлар популяция асосини ташкил қилади (70-75%).



3 - расм. Қорақалпоғистоннинг ўрганилаётган худудларида *Rhombomys opimus* серпуштлилик динамикаси (2010-2018 йй.)

Наслда жинс нисбатлари деярли 1:1 (51,2% эркак и 48,8% урғочи ҳайвонлар) нисбатда бўлади. Баҳор фаслида тутиш ҳайвонларни жараёнларида одатда эркак ҳайвонлар (52,9%) кўпчиликни ташкил этиб, куз

фаслига қараб бу кўрсаткич тенг кўриниш касб этади. Ёш ҳайвонларда ҳам эркак ҳайвонлар кўпчиликни ташкил қилади (52,5%). Урғочи ҳайвонларнинг сон депрессияси вақтидаги кўплиги уларнинг насл қолдириш даражасини оширади, уларнинг қулай йиллардаги миқдорининг камайиши эса буни пасайтиради. Йиллар мобайнида *Rhombomys opimus* серпуштлилиги ўзгариб туради. Урғочи ҳайвонларнинг серпуштлилик даражаси 1973, 1974, 1988, 1989 йилларда яққол кўтарилган. Битта урғочи ҳайвонга тўғри келадиган эмбрионлар сони 6,8-7,1 гача этган.

Қизилқумнинг Қорақалпоғистон қисмидаги 6-9 эмбрион миқдоридаги насл қолдирган ҳайвонлар улуши 65-85 % гача этган ва шу даврларда 2-4, 10 ва ундан ортиқ насл берган ҳайвонлар сони барча ҳомиладор ҳайвонларнинг 4-7% улушини ташкил қилган. Қизилқумнинг Қорақалпоғистон қисмида *Rhombomys opimus* вояга этган урғочиларининг биринчи ва иккинчи кўпайиш цикларида одатда 68-73%, учинчисида эса 25-32% га яқини иштирок этади.

Meriones meridianus Оролбўйи қумли чўлларининг одатий ҳайвони ҳисобланади. Жуда кўп ҳолларда қуйи Амударё оазисларининг қумли участкалари, Устюрт чинлари бўйлаб ва Қизилқум чўлларида учрайди. Реймов (1987) маълумотларига кўра, Қизилқумнинг шимолий-ғарбий қисмида жуда кам тарқалган. Анчайин ёқтирган яшаш муҳитлари – кам паст-баланд бўлган аллювиал қумлар ва оазислар атрофидаги қум массивлари ҳисобланади (1 га майдонга 5-10 та ҳайвон). Текширилган территорияларида йил ва фасллар бўйича *Meriones meridianus* сонининг кескин ўзгаришлар кўзатмоқта (4-расм).



4 расм. *Meriones meridianus* популяцияларининг Жанубий Оролбўйидаги кўп йиллик сон динамикаси(2010-2018 йй.)

Meriones meridianus одатда қуйи Амударё оазисларининг қумли участкалари. Чинклар бўйи ва Устюрт ва Қизилқумнинг турли мустаҳкам стадияли қумларида тарқалган. Бу ҳайвоннинг асосий яшаш муҳити қалин

ярим буталарга бой тизмали қумликлар ҳисобланади. Кўпайиш давомийлиги март ойи бошларидан то сентябр охири-октябр бошларигача давом этиб, энг интенсив кўпайиш вақти май-июн ойларида кузатилди. Қишлаб чиққан урғочи ҳайвонлар генератив мавсум давомида 2 -3 маротобагача насл беради. Наслнинг жинс таркиби туғиш пайтида деярли бир хил 50,2% эркак ҳайвонлар ва 49,8% урғочи ҳайвонлар (178 та ҳайвон бўйича маълумотлар) ҳолати кузатилди. Куз фаслда ёш таркиби қуйидагича кўриниш касб этди: 25% катта ёшли ҳайвонлар ва 75% ёш ҳайвонлар. Сентябр ва октябр ойларида қишлаб чиққан ҳайвонларнинг 53,7% и эркак ҳайвонлар, 56,3% и урғочилар, ёш ҳайвонларда эса мос равишда: 56,1% ва 43,9% ни ташкил этди. *Meriones meridianus* ички популяцион муносабатлари (бошқа кемирувчилар сингари) анчайин тор, у қулай шароитлар ва популяциянинг юқори сонида интенсив саналади.

Чўл экотизимидаги ўрганилаётган кемирувчилар сон динамикаси ва популяцион структуралари тахлили. Кемирувчиларнинг майдон бўйлаб тарқалиши ва сон динамикаси популяция фаолиятининг ўзига хослигини белгиловчи муҳим характеристикаларидан бири саналади. Ушбу кўрсаткичларни ўрганиш улкан назарий ва амалий аҳамият касб этади. Айнан сон динамикаси ва майдон дифференциацияси эволюцион жараёнларнинг дастлабки босқичи бўлиб ҳисобланади, шу маънодаки, яъни дифференциация бошқа кўрсаткичларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Чўл ландшафтидаги кемирувчилар фонга оид турлари сон динамикаси ҳайвонлар жамланмасининг даврий популяцион цикли ва зичликнинг катта амплитуда ўзгаришлари билан аниқ равшан фарқланади. Замонавий популяцион экология сохасидаги кўп сонли тадқиқотлар популяцияларнинг ўзгарувчан ташқи муҳит шароитлардаги турғун ҳолатдаги мавжудлиги ва яхлитликни таъминловчи (таркибий қисмларга интеграциялашув) адаптацион механизмларини ўрганишга бағишланган. Қизилқумнинг Қорақалпоғистон қисмида тарқалган *Rhombomys opimus* популяцияси сон динамикасига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни баҳолашни биз иккита даврга боғлиқ ҳолда ўргандик: кўпайиш мавсумининг бошланиш ва тугалланиши. Маълум бўлганидек,популяция ҳаётийлиги олдинги даврда шаклланган шароитлар билан белгиланади (5-расм). Ўтказилган тахлиллар натижасида шу нарса аниқландики, *Rhombomys opimus* популяцияси сон динамикасига таъсир кўрсатувчи барча тахлил қилинган омиллардаги умумий дисперсия улуши баҳор фаслида анчайин юқори ва 74 % дан 98,9% гача бўлган миқдорни ташкил этди. Баҳор фаслидаги *Rhombomys opimus* популяцияси сони ўтган йилдаги куз фаслидаги (38,10%) популяция ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Экзоген омиллардан сон ўзгарувчанлигига асосий ҳиссани об-ҳаво шароитлари қўшади (23,0% гача). Баҳор фаслидаги сон ва келаси йилги куздан баҳоргача бўлган даврдаги ёғингарчилик миқдорлари орасида ижобий корреляцион боғлиқликлар аниқланди ($R= 0,48$, $p<0,001$). Бу боғлиқлик шуни англатадики, яъни вақт оралиғида қанча кўп мидорда ёғингарчиликлар

кузатилса, келаси йилдаги кўпайиш циклида шунча кўп миқдорни кутиш мумкин.



5 - расм. *Rhombomys opimus* популяциясига баҳор ва куз мавсумида таъсир кўрсатувчи эффектлар тақсимланиши (%)

Изох: 1–дастлабки сон, 2-ҳозирги вақтдаги сон, 3-иқлим шароитлари, 4– озуқавий таъминланганлик, 5 – Амударё гидрорежими, 6 – Оролнинг қуриган қисми кенгайиши

Денгиз қуриган туби худуди кенгайиши таъсирининг ҳиссаси анча ахамиятли саналиб 7,8% ни ташкил этади. Эрта бахор даврида *Rhombomys opimus* популяциясининг таркиби асосан қишлаб чиққан ҳайвонлардан иборат бўлади. Дастлабки соннинг хиссаси анчайин юқори бўлиб 58,4% га тенг. Экзоген таъсирлардан самарали эффектни об-ҳаво ва озуқавий таъминланганлик бажаради (18,3% ва 4,7%). Умумий дисперсия эса ҳайвонларнинг қишда яшаб қолишини белгилаб, анча юқори кўрсаткичга 90,47% га эга ҳисобланади. Эндоген омиллар ҳиссасига 48,52% га тенг кўрсаткич тўғри келади. Популяция сероблиги ва структурасининг ҳозирги вақтдаги сони кам кўрсаткичга эга бўлиб, уларнинг эффектлари қишки яшаб қолиш кўрсаткичларига унча аҳамиятга молик даражада эмас. Куз мавсумида *Rhombomys opimus* сон динамикаси ва структурасига барча тахлил қилинган омиллар умумий дисперсияси ҳам юқори ва 86% дан 92% гача кўрсаткичга эга. Тадқиқот давомида шу нарса аниқландики, баҳор мавсумига қараганда (37,86%), куз мавсумида ички популяцион эффект омиллари анча паст кўрсаткичларга эга бўлди.

Популяциянинг репродуктив функция регуляциясида етакчи ролни ички популяцион омиллар ўйнайди. Куз мавсумида ҳомиладор урғочилар улуши асосан эндоген омиллар билан ўлчанади(55,98%). Экзоген омиллар эса 22,39% нигина ташкил этади, улардан каттароқ хиссани об-ҳаво шароитлари (9,6%) ва Орол денгизи қуриган туби худудинининг кенгайиши (6,4%) ташкил этади. Умумий дисперсия эса 88,1% га тенг.

Серпуштлилик дисперсияси улуши, қаралаётган омилларнинг

тушунтирилучи харакати бўлиб, юқори кўрсаткичга 88,0% га тенг. Серпуштлиликка экзоген омиллар таъсири 56,6% ни ташкил этади. Шундан ёғингарчиликлар – 11,9% ни ва озуқавий таъминланганлик эса – 14,8% га тенг. Улар барқарор таъсир кўрсатади ва бу илмий адабиётлардаги маълумотларга мос келади. Популяциянинг ҳозирги вақтдаги сероблиги ва структураси хиссаси анча кам ва 2,8% га тенг. Ташқи омиллар 22,55% га тенг кўрсаткичда таъсир кўрсатади. Шундан озуқавий таъминланганлик 6,8 % ни ташкил этади. Денгиз қуриган туби худуди кенгайиши қайсидир маънода ўз таъсир кўрсаткичига эга бўлиб, бахор ва куз мавсумларида бир хил катталикга эга (10%). Бу ҳолат шу билан тушунтирилиши мумкинки, яъни охирги йиллари Жанубий Оролбўйи минтақасининг чўлланиши кучайиши туфайли бу ерларнинг шўрланиши кучайишига, олдинги денгиз тубида яна қумли массивлар шаклланишига олиб келди ва кемирувчиларнинг псаммофил турларининг интенсив жойлашувига имкон яратди. Ушбу экологик вазият сабаб, *Rhombomys opimus* қуйи Амударё дельтаси ва оазислари яқинига кириб келган ва улар ўзларининг яшаш учун қулай ҳисобланган денгизнинг қуриган тубига дойимий равишда жойлашувда давом этмоқда.



6 – расм. *Meriones meridianus* популяциясига бахор мавсуми даврида таъсир кўрсатувчи эффектлар тақсимланиши (%%)

Изох: 1–дастлабки сон, 2-иқлим шароитлари, 3–озуқавий таъминланганлик, 4–Амударё гидрорежими

Кўплаган регрессион тахлиллар Қизилқум қуми чўлларининг яна бир фонга оид тури ҳисобланган *Meriones meridianus* популяциясининг бахорги ва кузги сонига кўрсатиладиган таъсирларнинг солиштирма хиссасини аниқлаш имконини берди. Ўтказилган тахлиллар шуни кўрсатадики, қаралаётган омиллар харакатининг умумий сон дисперсиясига улуши юқори ва 80,24% ни ташкил этади(6-расм). Тахлиллар бўйича, асосан экзоген омиллар хиссасига тўғри келди улуш 47,4% гача етади, улардан иқлим

омилларининг умумий дисперсиядаги улуши 20,1% тенг келади. Эндоген ички популяцион омиллар таъсири эса анчайин паст кўрсаткич 32,84% қайд этди. Апрел ойидаги урғочи ҳомиладор ҳайвонлар асосан олдинги давр популяциялари билан белгиланади(52%), экзоген омиллар эса фақатгина 28% ни, шундан, каттароқ хисса Амударё гидрорежимига тўғри келади(12% га яқин).

Авторлар маълумотлари ва бизнинг тахлилларимиз натижаларимизга кўра, шуни қайд этиш мумкин, *Meriones meridianus* қишки яшовчанлиги, олдинги куз мавсумидаги демографик структура ва сон даражалари ҳамда куз ва унинг ойлари, бахор мавсуми метеорологик шароитлари билан тор доирада боғлиқ ҳисобланади (1 - жадвал).

Шу билан биргаликда бошқа натижаларнинг кўрсатишича, агар бахор мавсумидаги сон куз мавсумидаги сонга корреляцион боғлиқлик касб этса, *Meriones meridianus* популяциясининг қишда яшаб қолиши ҳам унга боғлиқ ҳисобланади(r=0,62). Бахор ойларидан куз ойларигача сондаги ўзгаришларда май – июн ойларидаги ёш ҳайвонлар улуши ҳам қанчадир ахмамият касб этади. Бу омил эрта таъсир кўрсатмай фақатгина кейинги йилда ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Заиф ижобий корреляция май ойидаги ёш ҳайвонлар билан кейинги йилги бахор мавсумидаги сон орасида мавжуд бўлади. Бахор мавсумидаги ёш ҳайвонлар улуши кейинги қишки яшаб қолишида ўз аксини намоён қилади(r=0,62, p<0,05).

1 - жадвал

***Meriones meridianus* популяцияси ҳолати кўрсаткичларининг демографик ва метеорологик омиллар билан боғлиқлигини баҳолаш**

Кўрсаткичлар	Демографик омиллар	r_s	Метеорологик омиллар	r_s
Бахор мавсумидаги сон (Нв)	Но′ Д1 (8) Д2 (10) Д3 (9)	0,78 0,45 0,57 0,78	Тв (11-12) Ко (11-12) Тв (3-4) Ко (3-4)	0,72 0,48 0,69 0,78
Қишда яшаб қолиш (Вз)	Но′ Д3 (10-11)	0,62 0,61	Ко (11) Тв (11) Ко (3)	0,42 0,65 0,72
Куз мавсумидаги сон (Но)	Н (4-5) Н (6-7) Н (8-9) Д2 (6-7) Д3 (8-9)	0,52 0,74 0,68 0,62 0,56	Тв (4-5) Тв (6-7) Ку (4-5) Ку (6-7)	0,55 0,63 0,68 0,59

Изох: r_s – корреляция коэффициенти, Д1, Д2, Д3 – ҳайвонлар ёш гурухлари улуши, Тв- ҳаво ҳарорати, Ко – ёғингарчилик миқдори, Ку – озуқа шароитлари. Қавс ичидаги сонлар – ойлар рақами, штрих – олдинги йил .

Илмий адабиётлар тахлиллари ва шахсий кузатишлар шу нарса ҳақида хулоса ясаш имконини берадики, яъни Жанубий Оролбўйи табиий муҳити трансформация шароитларида фонга оид тур кемирувчилар сони экзоген ва эндоген омилларнинг бир қатор мураккаб тузилишлари назоратида бўлади. Уларнинг барчаси ажратиш мумкин бўлмаган комплекс тарзида таъсир

кўрсатади ва уларни алоҳида бош омил сифатида кўрсатишнинг иложи йўқ. Бундан ташқари улар фаолияти бир хил эмас ва популяция ҳолати, сони ва структураси ҳамда биоценоз ўзига хослиги стадияси циклларига боғлиқ ҳисобланади.

Фонга оид турлар *(Rhombumys opimus, Meriones meridianus)* популяцияси структура тузилмалари қайта қурилишини белгиловчи етакчи популяцион жараёнлар миграция ва ўлим ҳисобланади. Натижада популяция қулай стацияларнини эгаллайди ва оптимал популяцион кўрсаткичларга (зичлик, жинсий етилиш структураси ва бошқ.) эга бўлади. Фонга оид тур кемирувчилар сонининг ўсиш йилларида улар кўпчилик биотопларни эгаллайдилар, сон миқдори паст бўлган йиллари эса фақатгина қулай бўлган стацияларда сақланиб қоладилар.

Ўз-ўзини бошқариш механизмлари, кўринишича, исталган популяция “маҳсулот хажми” ни белгиловчи соннинг қандайдир ўртача миқдорини мўлжаллашга йўналган. Охиргиси озуқанинг мавжудлигига ва миқдорига ҳамда абиотик шароитларга боғлиқ саналиб, улар таъсирида ўзгариб туради. Ҳайвонлар сонининг ўсишида ёки экологик шароитларнинг ёмонлашувида “маҳсулот хажми” пасайиши кузатилиб, яшаш муҳити ва популяция зичлиги орасидаги мувозанат бузилади ва бунга жавобан ўз-ўзини бошқаришнинг адаптив механизмлари ишга тушади ва муҳит-популяция тизимини мувозант ҳолатига келтиради. Шундай экан, ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, куз мавсумида, қачонки популяция янада кўпроқ ёшарар экан, олдинги йиллардаги катта ёшли уруғланмаган урғочи ҳайвонлар юзага келиши бир қатор омиллар боғлиқ: ёз-куз давридаги сон даражаси, олдинги ойлардаги популяциянинг интенсив кўпайиши ва шу даврдаги экзоген омиллар йиғиндисининг таъсири. Бунда куз мавсумидаги урғочилар жинсий етилиш суръати ва улар корреляцияланган барча омиллар йиғиндиси уларнинг ҳозирги вақтдаги репродуктив фаоллигини белгиламай, кейинги бахор мавсумидаги ҳолатини белгилаб беради.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган **“Жанубий Оролбўйи чўл экотизими фонга оид кемирувчи турларининг био экологик хусусиятлари”** мавзусидаги диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар тақдим этилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Хайвонот дунесининг таксонометрик таркибини тахлил килиш натижасида Оролбуйи чул комплексида 4 оила ва 20 авлодга тегищли булган кемирувчиларнинг 18 тури кайд этилганлиги аникланди. Чул турлари, шу жумладан эндемик ва автохронлар, 48% турни ташкил этади, интразонал битопларда яшайди -24%, колган турлари эса хар хил.
2. *Rhombomus opimus* жанубий чегаралар яқинидаги унинг жойлашув ареали унинг сон динамикаси, иккинчи даражали ташувчилар тур таркиби,

суяк қолдиқлари сероблиги, эпизоотик фаоллик характерлари билан фарқланади ва колониялар тарқалиши характери билан тавсифланади.

3. Фонга оид кемирувчи турлари сон динамикаси (*Rhombomus opimus, Meriones meridianus*), чўл ландшафтларида популяцион циклларнинг даврийлиги ва ҳайвонлар зичлигининг катта амплитуда ўзгаришлари билан яққол ажралиб туради. Кемирувчи фон турлари сонининг юқори бўлган йиллари, улар кўпчилик биотопларни эгаллайди, сон миқдорининг паст бўлган йиллари эса, фақатгина қулай ҳисобланган стациялардагина сақланиб қолади.

4. *Rhombomus opimus* популяциясининг тезда репродуктив қайта гурухланиши Кизилкум ва Устюрт экотизим шароитларида аниқланган. Бу ўз навбатида “яшаш муҳити хажми” ва ҳайвонларнинг оптимал сонини қўллаб-қувватлайди ҳамда динамик мувозанатни таъминлайди. Кўпайишни стимуллаштирувчи ёки тўхтатувчи ташқи шароитлар таъсири, популяция билан хусусий репродуктив фаолият сфераси орқали тўғирланади.

5. Қаралаётган иккита тур (*Rhombomus opimus, Meriones meridianus*) сон динамикаси фарқи Жанубий Оролбўйи минтақасининг динамик ўзгарувчан шароитларига, турларнинг популяцион реакцияларига боғлиқ. Соннинг йиллик ўзгаришлари, уларнинг “пик” ва депрессияси оралиқлари, цикл давомийлиги ҳамда уларнинг баъзи фазаларининг амплитудалари турлича кўринишга эга. Табиий конунларнинг функционал тури 0,65 коэффициенти билан ракамларнинг экспонентли усишини курсатади.

6. *Meriones meridianus* популяцияси сон динамикасидага R=0,8 га тенг булган ишончлилик даражаси йиллар аро кескин пасайишдаги экспоненциал функциясининг динамикасини бошкариш имконини бериши исботланган. Кемирувчилар популяция динамикасидага фенотипик модификация, ички ва ташки мухит омиллари турлар, биотопик ва мавсумий турда хар хил таьсирларга жабов реакциясини келтириб чикарариши билан изоҳланади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.02/30.12.2019.B.79.01ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

ШАНИЯЗОВ УСЕРБАЙ БУХАРБАЕВИЧ

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОНОВЫХ ВИДОВ ГРЫЗУНОВ ПУСТЫННЫХ ЭКОСИСТЕМ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ

03.00.10 – Экология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус -2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/B247

Диссертация выполнена в Каракалпакском НИИ естественных наук ККО АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Аметов Якуб Идрисович**
доктор биологических наук, доцент

Атаназаров Куралбай Мауленович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.02/30.12.2019.B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «_____» от «_____»_____2020).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, Академик, д.э.н., профессор

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD б.ф..

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В настоящее время во всем мире особенно актуальны показатели экологического состояния и функционирования экосистем в условиях непрерывного антропогенного воздействия для каждого региона. Вместе с тем одной из главных задач для выявления степени устойчивости отдельных компонентов экосистем к периодически возникающим неблагоприятным внешним воздействиям и прогнозирования состояния биотических комплексов остаются, исследования популяций мелких млекопитающих в качестве биоиндикаторов при возникновении естественных и антропогенных изменений экосистем. Поэтому выяснение экологических механизмов эволюционного процесса и разработка путей рационального использования и управления биологическими ресурсами приобретают особенно важное научное и практическое значение.

В мире проводятся исследования по популяционной экологии грызунов, обитающих в условиях пустынных экосистем, популяционной адаптации грызунов к быстро меняющимся экологическим условиям, разработка эколого-эпидемиологических прогнозов, позволяющих снизить негативные эпидемиологические последствия резких флуктуаций эпизоотической активности природных очагов чумы на территориях с различными экологическими условиями обитания грызунов. В этом направлении необходима разработка путей для определения популяционной структуры и функций популяций грызунов, механизмов адаптации и регулирования динамики численности видов к меняющимся экологическим условиям.

В Республике Узбекистан в ходе исследований достигнуты определенные результаты по выявлению экологических и морфофизиологических особенностей фоновых видов грызунов в различных географических ландшафтах. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан[3] были определены задачи по «…созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику». Учитывая вышесказанное, исследования механизмов пространственной сегрегации и функциональной интеграции, обеспечивающие формирование и поддержание стабильности популяционной структуры у фоновых видов грызунов пустынных экосистем имеют важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указа Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии

[3] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»[1], а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики –V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

